

МАХСУС ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ «АСБЕСТ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА»

I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу “Асбест хавфсизлиги тўғрисида”ги Махсус техник регламент (кейинги ўринларда – техник регламент) Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва асбест-хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмлар хавфсизлигига талабларни белгилайди.

Ушбу техник регламент қурилиш эҳтиёжларида фойдаланиш учун мўлжалланган хризотил таркибли материал ва буюмларга қўлланиши ва бажарилиши мажбурий бўлган хавфсизлик талабларини ўрнатиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Техник регламент давлат ва хўжалик бошқарув органлари, кичик бизнес ва шахсий тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳасида фаолият юритадиган ташкилотлар учун мажбурийдир, унга риоя қилиш эса ҳаёт хавфсизлигини таъминлайди.

§ 1. Қўллаш соҳаси

1.1 Ушбу техник регламент саноатнинг турли тармоқлари(қурилиш материаллари, цементли ва ишқаланма буюмлар, иссиқдан ҳимояловчи материаллар, хризотилли пластмасса ишлаб чиқариш, ва бошқа мақсадлар) эҳтиёжи ва экспорт учун мўлжалланган хризотилга таалуқли.

1.2 Ушбу техник регламент хавфсизликни таъминлайдиган қуйидаги мажбурий талабларни ўрнатиш мақсадида қабул қилинади:

а) инсон ҳаёти ва соғлигини хризотил таркибли материал ва буюмларнинг ножўя таъсиридан ва хризотил таркибли материал ва буюмлардан фойдаланиш жараёнида одамлар хавфсизлигини таъминлаш;

б) маҳсулот истеъмолчиларини чалғитишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш.

1.3 Ҳозирги вақтда жаҳон саноатида асбест-хризотил ишлатилади. Хризотил техниканинг турли соҳаларида уч мингдан кўп буюмлар таркибига киради.

Хризотил қуйидаги:

Томёпиш, деворбоп буюмлар (асбестцементли текис ва қобирғали листлар, кўпикбетон);

Қувурлар (турли диаметрдаги хризотил цементли босимли ва босимсиз қувурлар);

фасад плиталари;

техник асбест ва иссиқдан ҳимояловчи буюмлар(газламалар, чилвирлар, картон, филтёрлар, ишқаланма буюмлар, тормоз тасмалари, паронит ва б.);

туннель қурилиши учун бетон ҳимоя қатлами, зичламалар тутқичи,техник резина материаллари, ғишт ишлаб чиқаришда;

елимлама қатрон, зичламалар, турли таркибли оловбардош қоришмалар, органсиликатли қопламалар, бурғулаш ва тампонлаш қоришмалари, асфальтбетон аралашмалари, елимли аралашма ва қоришмалар, қурилиш эритмалари, таъмирлаш-тиклаш таркиблари тайёрлаш учун ишлатилади.

§ 2.Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

2.1 Ушбу техник регламентда қуйидаги атамалар, таъриф ва қисқартмалардан фойдаланилади:

хризотил – серпентин гуруҳидаги асбест тури;

асбест - силикатлар синфида серпентин ва амфибол гуруҳларига ажратиладиган минераллар толали шаклининг умумлаштирилган номи;

хризотил таркибли материал ва буюмлар – таркибида хризотил мавжуд бўлган материал ва буюмлар;

хризотил таркибли чанг – таркибида табиий хризотил толалари ҳавода эркин ёки бириккан ёки сиртга ўтирган ҳолатдаги чанг;

тола – узунлигининг диаметрига нисбати камида 3:1 бўлган зарра;

ўтувчан тола - 5 мкм дан узунроқ ва 3 мкм дан ингичкароқ тола;

хризотил таркибли чиқиндилар – хризотил, хризотил таркибли материал ва буюмлар ишлаб чиқариш ва ишлатиш чиқиндилари;

хризотил цементли буюмлар – хризотил ва цемент негизидаги композит қурилиш буюмлари;

ишлаб чиқариш бинолари – ишлаб чиқариш технологик тизимида ишлатиладиган асосий ва ёрдамчи ускуналар, омборлар ва технологик жараёнларни бошқарув нуқталари жойлаштирилган бинолар;

шахсий ва жамоа ҳимоя воситалари – ходимларга хавфли ва/ёки зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири олдини олиш ёки камайтириш учун фойдаланиладиган ҳамда ифлосланишдан ҳимояланиш воситалари;

ўров-идиш бирлиги – маҳсулотни шикастланиш ва йўқотишдан ҳимоялайдиган, ўраб жойланаётган маҳсулотни ўров-идиш билан бирлаштирадиган ҳамда маҳсулотнинг муомалага чиқарилишини

таъминлайдиган буюм.

Агар хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмлар бозорга чиқарилганда ушбу техник регламент талабларига мувофиқ бўлмаса, сотилиши мумкин эмас.

§ 3. Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмлар ўров-идишига талаблар

3.1 Чангланадиган хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларнинг ўров-идишга жойланиши мажбурий ҳисобланади.

Чангланадиган хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмлар чанг чиқиши истисно қилинадиган ва маҳсулотнинг шикастланиш ва йўқотишдан, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақланишини таъминлайдиган материал ва усуллар қўлланиб, ўров-идишга жойланиши керак;

Хризотил ўров-идишига талаблар:

хризотил ҳаво кирмайдиган идишга жойланиши керак;

ўров-идиш тайёрлаш учун ишлатиладиган пластик материаллар қуёшнинг ультрабинафша нурларига барқарор бўлиши керак;

Транспорт тўпи шакллантириладиганда хризотилли ўров-идиш бирликлар(қоплар) тагликлар ёки тагликсиз иссиқбарқарор плёнкалар ёрдамида ёки бошқа усулда маҳкамланиши керак.

Ўров-идишга жойланмаган хризотилни ҳаво ўтказмайдиган кузовли махсус транспорт воситасида ташилишига йўл қўйилади.

3.2. Чангланадиган хризотил таркибли материаллар ва буюмлар ўров-идишига талаблар:

Чангланадиган хризотил таркибли материаллар ва буюмлар ўров-идиш бирликлари (ўрам, боғлам, тўп, жилд) чанг ўтказмайдиган материал(плёнка, қоп,филоф)ларга жойланади;

Транспорт тўпи шакллантириладиганда ўров-идиш бирликлари таглик ёки тахталарга маҳкамланади.

§ 4. Хризотил, хризотил таркибли материал ва буюмларни тамғалашга ва харидор учун ахборотга талаблар

4.1 Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар зарур тамғалаш учун масъулдирлар.

4.2 Тамғалаш бевосита ўров-идишга, ёки елимланган ёрликга ёки илова-варақага ёки буюмнинг ўзига туширилиши керак.

4.3 Ўров-идишга, елимланган ёрликга ёки илова-варақага туширилган тамғага қуйидаги ахборот жойлаштирилиши керак:

Ишлаб чиқарувчи корхона номи;

Маҳсулот номи;

Маҳсулотнинг номинал массаси ёки ҳажми;
Тўп рақами;
Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган санаси;
Чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмлар учун огоҳлантириш тамғаси.

4.4 Буюмга туширилган тамғада қуйидагилар ифодаланиши керак:

Ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи ёки товар белгиси;
Буюмнинг шартли белгиланиши;
Ишлаб чиқарилган йилининг охириг иккита рақами ва ойи.

4.5 Чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмларнинг огоҳлантириш тамғасида қуйидагилар қўшимча қилиниши керак:

2-иловада келтирилган хавфлилик белгиси;
“Диққат! Таркибда хризолит толаси мавжуд”, “Нафас органлари ҳимоя воситаси қўлланган ҳолда ишлансин” ёзувлари.

4.6 Чангланмайдиган хризотил таркибли материал ва буюмларнинг огоҳлантириш тамғаси харидор учун ахборотга қўшилади ва қуйидаги ёзувни ўз ичига олиши керак: “Маҳсулотга механик ишлов берилганда нафас органларини заҳарсиз чангдан ҳимоялаш воситалари қўлланилсин”.

4.7 Чангланадиган ва биринчи тоифадаги чангланмайдиган хризотил таркибли материал ва буюмларнинг ҳар бир тўпига харидор учун маҳсулотни хавфсиз сақлаш, транспортда ташиш, муомалага чиқариш ва утиллаштириш усуллари, шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш бўйича қўлланмалар илова қилиниши керак.,

4.8 Тамғалаш истеъмолчига тушунарли бўлиши, огоҳлантириш тамғаси рус тилида такрорланиши керак.

4.9 Тамғалаш аниқ ва равшан, иқлим омиллари таъсирига барқарор бўлиши, маҳсулотдан фойдаланишнинг тўлиқ муддатида сақланиши керак.

II-боб. ХРИЗОТИЛ, ХРИЗОТИЛ ТАРКИБЛИ МАТЕРИАЛ ВА БУЮМЛАРГА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

§ 5. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.

5.1 Талаблар асбест таркибли чанг чиқарилиши билан боғлиқ барча иш турларига мажбурий ҳисобланади ва қуйидагиларга таалукли бўлади:

асбест таркибли буюмлар ва материалларни техник эҳтиёжлар учун қўллаш ва фойдаланиш;

Асбест таркибли материаллар қўллаб янги биноларни қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник қайта қуроллантириш, таъмирлаш, консервациялаш ва бузиш;

Асбест ва асбест таркибли материал ва буюмларни ташиш ва

сақлаш;

темир йўлларни қуриш(иккинчи йўл ёки янги темир йўллар), таъмирлаш, жорий сақлашда балластни ортиш, тушириш, жойлаштиришнинг технологик жараёнлари ва бошқа асбест таркибли балластда бажариладиган ишлар, уларни ташиш ва сақлаш шароитлари.

5.2 Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларни ишлаб чиқариш, сақлаш, транспортда ташиш, сотиш ва утиллаштиришда хавфсизликни таъминлаш қуйидагича таъминланиши керак:

харидор учун зарур бўлган огоҳлантириш тамғаланиши, хавфсизлик белгиларини қўллаш ва маҳсулотдан хавфсиз фойдаланиш тўғрисида ахборот илова қилиш;

Одамлар соғлиги ва атроф муҳитга хризотил таркибли чангнинг зарарли таъсир даражасини камайтирувчи ҳимоя чораларини қўллаш; Ходимларни меҳнатнинг хавфсиз услуб ва усуллариغا ўқитиш.

5.3 Иш берувчи ходимлар саломатлигини сақлаш ва ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга қаратилган доимий меҳнат шароитларини яратиши лозим.

Баъзи иш ўринларида иш зонаси ҳавосида асбест таркибли чангнинг сменада ўртача йўл қўйилган тўйинмасини сақлаш имкони бўлмаган ҳолларда, иш берувчи ишчиларнинг нафас органларига чанг юктамалари ҳақидаги ахборотни уларнинг назорат катталиклари билан қиёслашдан фойдаланган ҳолда “вақт билан ҳимоялаш” принципини қўллаши керак.

5.4 Иш берувчи ишчиларнинг нафас органларига чанг юктамасининг назорат даражасига риоя қилинишини таъминлаши керак.

Чанг юктамаси 2007 йил 29 августда тасдиқланган 0233-07-сонли “Таркибида асбест мавжуд маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қўллашда меҳнат гигиенаси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Санитар қоида ва нормалар” да белгиланган услубий тавсияларга мувофиқ ҳисобланади.

5.5 Асбест ишлаб чиқаришда ишлайдиган барча ходимлар асбестнинг соғлик учун зарарли хусусиятлари тўғрисида хабардор қилиниши керак.

Иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимлар ушбу Қоидаларнинг зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири олдини олиш, назорат воситалари ва ҳимоялашга тегишли кўрсатмаларига риоя қилиши керак.

5.6 Ушбу Қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат назорати давлат санитария-эпидемиология хизмати муассасалари томонидан амалга оширилади.

5.7 Ишлаб турган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш билан

боғлиқ, ушбу Қоидаларда кўзда тутилган талабларни бажариш давлат санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий муассасалари билан келишилган режалар бўйича амалга оширилиши керак.

5.8 Иш зонаси ва атроф муҳит объектлари ҳавоси(атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзалари)да зарарли моддалар миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган чегаравий йўл қўйиладиган тўйинмалардан ошмаслиги керак.

§ 6. Технологик жараён ва ишлаб чиқариш ускуналари

6.1 Технологик жараёнлар, машина, механизмлар ва ускуналар “Технологик жараёнларни ташкил қилишнинг санитария қоидалари ва ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган гигиеник талаблар”га, баъзи ишлаб чиқариш омиллари(шовқин, тебраниш, электромагнит тебранишлар ва б.), ускуналар, жараёнлар учун МХСТ стандартлари санитария норма ва қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

6.2 Ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечимлар асбест ва асбест таркибли маҳсулотларни ташиш йўлларида максимал камайтиришни кўзда тутиши керак.

6.3 Бинолар ичкарисида технологик бўлинма(цех)ларни жойлаштириш асбест таркибли чанг ва бошқа зарарли моддаларни бошқа, улар пайдо бўлиши манбаларига эга бўлмаган бўлинмаларга ўтишининг олдини олиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

6.4 Доимий иш ўрни бўлган бошқарув қурилмалари “Ишлаб чиқариш бинолари микроклимига гигиеник талаблар”га мувофиқ алоҳида биноларда жойлаштирилиши керак.

6.5 Асбестлар корхоналарга қопларда етказилиши керак. Уларни очиш ва бўшатиш идишдан бўшатиш машинаси ёрдамида сийраклаштириш остида ёки аспирация билан жиҳозланган махсус жойда амалга оширилиши керак.

6.6 Асбест омборлари, тайёрлаш бўлинмалари асбестни меъёрлаш тугунлари билан бирга алоҳида турган биноларда ёки ажратилган хоналарда жойлаштирилиши керак.

6.7 Асбест ва асбест таркибли материаллар билан ишлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ўтириб қолган чангдан тозалаш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш бинолари, осма конструкциялар, машина ва ускуналарни асбест таркибли чангдан тозалаш чангсиз услублар(пневмотозалаш, намли тозалаш ва б)да амалга оширилиши керак.

§ 7. Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларни ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлигига талаблар

7.1 Хризотилни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини лойиҳалаш, ташкил қилиш ва юритиш қуйидагиларни кўзда тутди:

Технологик жараёнлар ва амалиётларга комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, масофадан бошқариш услубларини қўллаб, ходимларнинг хризотил таркибли чанг билан бевосита алоқа вақтини камайтириш;

Чиқитсиз технологик жараёнларни танлаш ва қўллаш;

Ходимларни хризотил таркибли чанг таъсиридан ҳимоялаш ва ишлаб чиқариш ускуналарини ҳалокатда ўчиришни таъминлайдиган технологик жараёнларни бошқариш ва назорат тизими.

7.2 Хризотил таркибли хом ашёни очиқ усулда қазиб олишда чангнинг одамлар ҳаёти ва атроф-муҳитга таъсир даражасини камайтириш учун қуйидагилар таъминланиши керак:

Қазиш ишларини чанг бостириладиган ҳолда комплекс механизациялаш;

Йўлларнинг қаттиқ қопламасини сув ёки боғлама эритмалар билан намлаштириш.

7.3 Бино ва хоналар ичкарисида технологик бўлинма(цех)ларни жойлаштириш хризотил таркибли чанг ва бошқа зарарли моддалар, улар пайдо бўлиши манбаси бўлмаган бўлинмаларга ўтиш ва тарқалишининг олдини олиш заруратини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

7.4 Хризотилни ортиш ва тушириш жойлари, омборлар, ўровидишдан бўшатиш, меъёрлаш ва қуруқ хризотилни бошқа унсурлар билан аралаштириш, хризотил таркибли материалларга механик ишлов бериш жойлари “Нафас органлари ҳимоя воситалари қўлланган ҳолда ишлансин” огоҳлантириш белгиси ва бажариладиган ишларга бевосита алоқаси бўлмаган кишиларнинг киришини чегараловчи ёзувлар билан белгиланади.

7.5 Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар аспирация ва ҳаво тозалаш тизимлари билан жиҳозланиши керак.

7.6 Иш зонасига хризотил таркибли чанг ажратилиши манбаи бўлиши мумкин бўлган барча ускуна турлари зичланиши ва зарурият бўлганда ҳаво тозалаш ускуналари аспирация тизимига уланиши керак. Ускуналардан аспирация ва ҳаво тозалаш тизими ўчирилган ҳолда фойдаланиш ман қилинади.

7.8 Аспирация тизими ускуналари, механизмлари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш уларнинг паспорти

ва фойдаланиш бўйича қўлланма ва йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

7.9 Иш зонаси ҳавосига хризотил таркибли чанг чиқарилишини истисно қилиш имкони бўлмаган ҳолларда қуйидагиларни қўллаш кўзда тутилади:

Чангнинг ишлаб чиқариш биноларига чиқарилишини, унинг ускуналар ва қурилиш конструкцияларида тўпланишини максимал камайтирадиган чора ва воситалар;

Даврийлиги ўрнатилган ҳолда чанг тозалаш воситалари;

Нафас органларини заҳарли бўлмаган чангдан шахсий ҳимоя воситалари. .

7.10 Ишлаб чиқариш бинолари, машина ва ускуналарни хризотил таркибли чангдан тозалаш учун иккиламчи чанг кўтарилишини истисно қиладиган услублар қўлланиши керак.

7.11 Хризотил таркибли материал ва буюмларга ишлов берувчи қўл асбоблари чанг тутиш тизими(қурилмаси) билан жиҳозланиши керак.

7.12 Таркибида хризотил таркибли материалларни чанглантирадиган қисмлари мавжуд ускуналарни қисмларга ажратишда қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

Ходимларни ушбу техник регламентнинг 7 бандига мувофиқ огоҳлантириш;

Ходимларни зарур шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

Иш зонаси ҳавосига хризотил таркибли чанг чиқишини чегаралаш;

Ушбу техник регламентнинг 3 бандига мувофиқ хризотил таркибли чиқиндиларни йўқ қилиш.

§ 8.Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларни транспортда ташиш ва сақлашга талаблар

8.1 Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларни транспортда ташиш тегишли транспортда амал қиладиган юк ташиш қоидаларига мувофиқ ушбу техник регламентда кўзда тутилган ҳимоя чораларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

8.2 Чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмларни ташиш ва сақлашда хавфсизлик талаблари:

а) чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмларни ўров-идишида ташиш ҳар қандай транспорт турида, ёпиқ транспорт воситаларида; ўров идишсиз ҳолда эса фақат зичланган кузовли махсус транспорт воситаларида амалга оширилади;

б) ортиш ва тушириш ишлари ўров-идишнинг шикастланишини истисно қиладиган восталарда бажарилиши керак;

в) чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмларни ташиш учун мўлжалланган барча транспорт воситалари юк туширилгандан кейин чанг кўтармайдиган усулда тозаланиши керак;

- г) шикастланган ўров-идиш ўз вақтида таъмирланиши лозим;
- д) ўров-идиш шикастланган ва таркиби тўкилган ҳолда, у чанг кўтарилмайдиган усулда йиғиштирилиши керак;
- е) чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмлар ёпиқ омборхоналарда сақланиши керак; Хризотилни ташқарида сақлашга мажбур бўлган ҳолларда ўров-идиш бирликлари тент, пластик ёки бошқа мос воситалар билан паналаниши керак.

8.3 Чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмларни ташиш ва сақлашда биринчи тоифадаги хавфсизлик талаблари:

- а) хризотил цемент буюмларини ташишда, уларнинг механик шикастланишининг олдини олиш мақсадида зич тахлаш ва маҳкамлаш керак;
- б) хризотил цемент листлари ва деталларини пакетланган ҳолда ташиш: махсус қутиларда; ёғоч панжарасимон қутиларда; ёғоч таглик ва остликлардан фойдаланган ва механик кўчириш мақсадида ишончли маҳкамланган ҳолда амалга оширилиши керак;
- в) хризотил цемент буюмларини ортиш-тушириш, транспорт-омборхона ишлари ва сақлашда уларнинг механик шикастланишини истисно қиладиган шароитларга риоя қилиш керак.

§ 9. Жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларига талаблар

9.1 Иш ўринлари ва ишлаб чиқариш ускуналари хризотил таркибли чанг ва бошқа зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини амалдаги чегаравий йўл қўйилган тўйинмалар даражасигача камайтирадиган жамоавий ҳимоя воситалари билан жиҳозланиши керак. Чегаравий йўл қўйилган тўйинмалар даражаси оширилганда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш керак.

9.2 Жамоавий ҳимояни таъминлаш учун технологик линиялар биринчи галда аспирация тизимлари ва газ-чанг тутадиган қурилмаларни, кейин эса технологик ускуналар ишга тушишини таъминлайдиган электр қўшоқлаш ускуналари билан жиҳозланиши керак. Аспирация тизимлари ва газ-чанг тутадиган қурилмалар фақат технологик ускуналардан кейин ўчирилиши керак.

9.3 Чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмлар билан ишлашда барча иш ўринлари, бинолар ва шохобчаларда нафас органларини шахсий ҳимоялаш воситаларини қўллаш мажбурийдир.

9.4 Нафас органларини шахсий ҳимоялаш воситалари фақат хризотил таркибли чанг таъсир минтақасидан ташқарида кийилиши ва ечилиши керак.

9.5 Ходимларнинг махсус кийими унинг шахсий кийимларини тўлиқ ёпиши ва чанг киришидан ҳимоя қилиши керак.

9.6 Ҳар бир сменадан кейин махсус кийимлар чанг тутгич билан жиҳозланган қурилмалар ёрдамида оқланиши керак. Корхоналарда

махсус кийимларни оқлаш жойлари етарли миқдорда бўлиши керак.

9.7 Махсус кийимга сиқилган ҳаво пуркаш ман қилинади.

9.8 Махсус кийимни корхонадан ташқарида кийиш ман қилинади.

9.9 Иш берувчи шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимдан тўғри фойдаланишини назорат қилиши, уларнинг тозаланиши, ювилиши ва сақланишини таъминлаши керак.

§ 10. Хризотил таркибли чиқитлар билан муомала қилишда хавфсизлик талаблари

10.1 Хризотил ва хризотил таркибли материал ва буюмларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш чиқиндилари амалда имкон бўлган жойларда технологик жараёнга қўшиш ёки бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда ишлатиш орқали қайта ишланиши керак.

10.2 Қайта ишлаш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш имкони бўлмаган ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда улар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ утиллаштирилиши керак.

10.3 Хризотил таркибли чиқитлар билан ишлашда ишчилар шахсий ҳимоя воситаларини қўллашлари керак.

10.4 Барча хризотил таркибли чиқитлар кейинчалик йўқ қилиниши учун тўпланиши керак.

Хризотил таркибли чиқитларини тўплаш ва сақлашда қуйидаги хавфсизлик талабларига риоя қилиниши керак:

Хризотил таркибли чиқитларни юк ортиш бункерларига етказувчи конвеерлар ортиш ва тушириш жойларида чанг тарқалишидан паналаштирилиши керак;

Юк ортиш бункерларининг ишлаб чиқариш чиқитларини ортиш ва тушириш қурилмалари ҳавони тозалаш аспирациялари билан жиҳозланиши керак.

10.5 Бойитиш чиқитларидан ташқари, хризотил таркибли чиқитларни тўплаш ва/ёки йиғиштириш қуйидагича амалга оширилиши керак:

Хризотил таркибли материаларни чанглатадиган чиқитлар – ёпиқ сиғимларда(пластик қоплар, контейнерлар);

Чангланмайдиган хризотил таркибли материаллар – турли сиғимларда, идиш ёки очиқ ҳолда тўкма шаклида даврий намланган ҳолда;

Суюқ хризотил таркибли материаллар чўкма(суспензия) шаклида – махсус сиғимлар(тиндиргич, контейнер)да.

10.6 Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқитларини вақтинча сақлаш учун корхона ҳудудида махсус майдончалар жиҳозланади.

10.7 Хризотилдан бўшатилган қопларнинг қайтадан идиш тарзида

ишлатилишига йўл қўйилмайди. Уларни майдалаб:

Эритиш (ихчам ҳолда кўмиш ёки утиллаштириш учун) га;
хризотил цемент маҳсулоти ишлаб чиқаришда ишлатишга йўл қўйилади.

10.8 Чиқитларни транспортда ташиш йўқотишлар ва атроф-муҳитни ифлосланишини истисно қилиши керак.

§ 11. Иш зонаси ҳавоси назорати

11.1 Хризотил таркибли чанг тўйинмасини аниқлаш учун иш зонаси ҳавоси назорати қуйидаги фаолият турларида амалга оширилади:

Хризотил ишлаб чиқариш;

Хризотил таркибли материал ва буюмлар ишлаб чиқариш;

Чангланадиган хризотил таркибли материал ва буюмлар билан тизимли ишлаш;

Чангланмайдиган материал ва буюмларга механик ишлов бериш.

11.2 Атмосфера ҳавосида хризотил таркибли чанг тўйинмасини ўлчаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария қонунчилигига мувофиқ ўтказилади.

§ 12. Атмосфера ҳавоси назорати

12.1 Хризотил таркибли чанг тўйинмаси ва/ёки хризотил толалари тўйинмасини аниқлаш учун атмосфера ҳавоси назорати қуйидаги фаолият турларида амалга оширилади:

Хризотил ишлаб чиқариш;

Хризотил таркибли материал ва буюмлар ишлаб чиқариш.

12.2 Атмосфера ҳавосида хризотил таркибли чанг тўйинмасини ўлчаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария қонунчилигига мувофиқ ўтказилади.

§ 13. Санитария-эпидемиология хавфсизлиги талаблари

13.1 Асбестнинг санитария-эпидемиологик хавфсизлигига Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунлари, “Радиация хавфсизлиги нормалари(РХН 2006) ва Радиация хавфсизлигини таъминлашнинг асосий санитар қоидалари (РХТАСҚ 2006)”, ҳамда одамлар соғлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини сақлашга қаратилган бошқа қонунчилик ва санитария-эпидемиологик қоида ва нормаларига қатъий риоя қилиш орқали эришилади.

13.2 Асбест захарли бўлмаслиги – сақлаш, транспортда ташиш ва фойдаланиш(ишлатиш)да атроф-муҳитга зарарли ва захарли

моддалар чиқармаслиги керак.

§ 14. Радиациявий хавфсизлик талаблари

14.1 Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ва олиб кириладиган асбестнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш бўйича радиациявий назорат аҳолини қўшимча радиоактив нурланишдан сақлаш ҳамда атроф-муҳитни ионли нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ўтказилади.

14.2 Асбест атроф-муҳитнинг радиоактив нурланиши манбаи бўлиши керак эмас.

14.3 Гамма-нурланиш самарали меъёри қувватининг қиймати камида 0,3 мкЗв/ч бўлиши керак.

14.4 Инсон ва атроф-муҳитга радиациявий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган асбестнинг ижобий санитария-эпидемиологик хулосасисиз муомалага киритилиши(олиб кириш, олиб чиқиш ва сотиш)га йўл қўйилмайди.

§ 15. Асбестнинг sanoatda қўлланиши

15.1 Асбестдан тоза ҳолда ёки бошқа материаллар билан бирлашган ҳолда уч мингдан ортиқ турдаги буюмлар ишлаб чиқарилади. Асбестнинг ўзига хослиги нафақат унинг қўлланишининг кўпқирралиги, балки табиатда бундай сифатларга эга бўлган табиий ёки сунъий ўхшашларининг йўқлиги билан ҳам белгиланади.

Асбест цемент буюмлари ва ундан тайёрланган қувурлар қурилишда, электротехникада ва қатор бошқа соҳаларда муҳим ва кенг қўлланиладиган материал ҳисобланади. Арзонлиги ва кенг тарқалганлиги асбест цементнинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Асбест газламаси иссиқдан ҳимоялаш кийимлари, ўчоқ ва иситиш асбобларини иссиқдан ҳимоялаш учун ишлатилади. Асбест газламаси ҳаво кирмаса ёнмайдиган моддаларнинг унча катта бўлмаган ўчоқларини ўчиришда бирламчи восита ҳисобланади.

Қуруқ асбест ўчоқ ва иситиш асбобларини иссиқдан ҳимоялаш, буғ қозонлари, газ турбиналарини қоплаш учун қўлланилади.

Иситиш ва иситиладиган қурилмалар, қувур ўтказмалари ва аппаратларни иссиқ изоляциялаш учун ҳам асбестли чилвирлар қалин картонлар ва тўқималар ишлатилади.

Асбест листи суюқ муҳитларни тозалаш материали сифатида ҳам фойдаланилади. Игнасимон учли кристалларнинг юқори сиртки фаоллиги ва кичик ўлчамлари (мос равишда ковакчаларининг самарали кичик ўлчамлари) аралашмалардан тозалашни юқори сифатли амалга оширишга имкон беради.

Термореактив асбопластиклардан турли детал ёки буюмлар, шу жумладан паст вольтли ускуналар учун электр изоляция деталлари,

ишқаланма буюмлари(тормоз қоплама ва бошмоқлари), кимёвий ускуналар деталлари(масалан насосларнинг роторлари) ва бошқалар тайёрланади.

Асбоволокнит (факолит) кимёвий бардошли ускуналарни оловбардош қопламасида ҳам ишлатилади. Асботекстолитлар асосан электр техника буюмларида қўлланилади. Бу материаллар ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмоқда ва шиша ёки кўмир пластиклари билан алмаштирилмоқда.

Асбест толалари ва бошқа тўлдирувчилар ҳамда каучуклар негизидаги зичлаштирувчи қистирмалар учун қўлланиладиган листли паронит анчайин машҳур материал ҳисобланади. У бугунги кунда таркибида углеродли ва алюминий оксидли толалар бўлган материаллар билан кенг алмаштирилмоқда.

Ишқаланма материаллар одатда иссиқ бардошли – таркибида каучуклар ва бошқа унсурлар бўлган фенолли, такомиллаштирилган фенолли боғловчилардан фойдаланган ҳолда асбест негизида тайёрланади.

III-боб. ТАЛАБЛАРГИ РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИ

§ 16. Асбест хавфсизлиги соҳасида талабларга риоя қилиниши устидан давлат назорати ва текшируви органлари

16.1 Ушбу Техник регламент талабларига риоя қилиниши устидан Давлат назорати:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги Давлат органлари ва уларнинг ҳудудий ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

16.2 Ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи Давлат назорати органи талаби бўйича хризотил таркибли материал ва буюмларнинг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар жилдини тақдим этади.

16.3 Давлат назорати(текшируви) органларининг ваколоти, жавобгарлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

IV-боб. ЯКУНИЙ ҚҚОИДАЛАР

§ 17. Ушбу техник регламентнинг амалга киритилиши

17.1 Ушбу техник регламент расман чоп этилган кунидан олти ой

ўтгандан кейин кучга киради.

**“Асбест хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентга
1-илова**

хризотилнинг кимёвий таркиби

Таркибий қисми	Баженов кони (Россия)
SiO ₂	42,60
Al ₂ O ₃	0,65
Fe ₂ O ₃	1,04
FeO	0,45
MgO	40,77
CaO	0,03
Cr ₂ O ₃	—
NiO	—
MnO	—
H ₂ O + 105°	13,46
H ₂ O - 105°	0,95
K ₂ O + Na ₂ O	Излари

**“Асбест хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентга
2-илова**

Хризолит толасининг физик-кимёвий хоссалари

т/р №	Кўрсаткичлар	Рақамли қийматлари доираси
1	Узилишга пухталиги, кг*с/мм ²	300 дан кўп
2	Минерали зичлиги, кг/м ³	2400 - 2600
3	Тўзитилган хризотилнинг тўкма зичлиги, кг/м ³	100 - 300
4	Эриш ҳарорати, °С	1450 - 1500
5	Ишқаланиш коэффиценти (темир бўйича)	0,8
6	Ишқорга барқарорлиги, рН	9,1 - 10,3
7	4 соат давомида қайнатилганда эрувчанлиги, %: НСІ зичлиги 1,19 кг/дм ³ , 25%-ли КОН да	53,4 - 57,5 0,14 - 1,6
8	Иссиқўтказувчанлиги, Вт/(м*К)	0,05 - 0,07
9	Акс қайтариш коэффиценти 400 - 700 нм, доирасида, %	45 - 78
10	ИК-ютиш спектри частотаси (аниқ сезиладиган), см ⁻¹	955, 1030, 1080
11	Кўндаланг кесими майдони 0,01 мм ² бўлганда шикастланмаган толалар эластиклиги модули, гпа	175 - 210
12	сувдаги эритмасининг рН (водородли кўрсаткичи)	9 - 10
13	Ютиш қобилияти: дибутилфталат бўйича, см ³ /100 г йод бўйича, мг/г сув буғи бўйича (20 °С да)	40 - 85 1.6 - 1,9 1.6 - 2,5

**“Асбест хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентга
3-илова
Қурилишда қўллашга рухсат этилган асбест цементли
материаллар ва конструкциялар
РЎЙХАТИ**

т/р №	Материал ёки буюм номи	Норматив техник ҳужжатлар
I. Том ёпиш асбест цемент материал ва буюмлари		
1.1	Қовурғали асбест цемент листлари	
1.2	Ясси асбест цемент листлари	
1.3	Асимметрик қиррали 51 Л 77 кесимли қовурғали асбест цемент листлари	
1.4	Ясси прессланган асбест цемент плиткалари ва уларга деталлар	
1.5	Сувда эрийдиган бўёқда бўялган қовурғали асбест цемент листлари, ясси прессланган плиткалар ва уларга деталлар	
2. Асбест қувурлар ва муфталар		
2.1	Босим асбест қувур ва муфталари	РСТ УЗ 674-96
2.2	Босимсиз қувур ўтказмалари учун асбест қувур ва муфталари	РСТ УЗ 674-96
2.3	Босимсиз қувур ўтказмалари учун юпқа деворли асбест қувур ва муфталари	РСТ УЗ 674-96
2.4	Иссиқлик қувур ўтказмалари учун қувур ва муфталар	РСТ УЗ 674-96
2.5	Чиқит ўтказмалари учун цилиндрлик асбест деталлар	
3. Махсус мақсадлардаги асбест буюмлари		
3.1	Катакли батареялар тўри учун асбест тўшамалар	ТУ 21-24-66-84
3.2	Балкон ва ложаларни тўсиш учун ясси асбест листлари	ТУ 21-24-57-74
3.3	Электр ёйига бардошли электротехник асбест тахталари АЦЭИД	
3.4	Деворбоп экструзив асбест панеллар	
3.5	Совуқ ўтказмайдиган пенопласт билан уч қатламли асбест панеллари	РСТ УЗ 752-96
3.6	Ёғоч синчдаги совуқ ўтказмайдиган ташқи деворбоп асбест панеллари	РСТ УЗ 753-96
3.7	Деразатокча учун экструзив асбест плиталари	ТУ 21-24-90-86
3.8	Градирня ариқлари учун ясси асбест листлар градирен	
3.9	Тўғри бурчак кесимидаги асбест қутилар	ТУ 21-24-70-76
3.10	Индукцион тигель қозонлари учун қистирма ва плиталар	ТУ 21-24-85-76
3.11	Иссиқ ўтказма қувурларини изоляциялаш учун оғизли ва оғизсиз яримцилиндрлар	

